

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ
УМУМҲАРБИЙ
НИЗОМЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ
УМУМҲАРБИЙ
НИЗОМЛАРИ**



ИЧКИ ХИЗМАТ НИЗОМИ

ИНТИЗОМ НИЗОМИ

**ГАРНИЗОН ВА ҚОРОВУЛЛИК
ХИЗМАТЛАРИ НИЗОМИ**

САФ НИЗОМИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

*Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов мусиқаси
Абдулла Орипов сўзи*

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Н а қ о р а т:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Н а қ о р а т:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ
ИЧКИ ХИЗМАТ
НИЗОМИ**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
1996 йил 9 октябрдаги
Фармони билан тасдиқланган*

Ушбу Низом Куролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг умумий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бригада мансабдор шахсларининг асосий мажбуриятларини, шунингдек, ички тартиб қоидаларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий қисмларининг, штабларининг, бошқармаларининг, муассасаларининг, корхоналарининг, ташкилотларининг ва ҳарбий билим юртларининг¹ барча ҳарбий хизматчилари ички хизмат Низомига амал қиладилар.

Низом қоидалари, шу жумладан бригада мансабдор шахсларининг мажбуриятлари ҳам барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳарбий хизматчиларига тенг даражада тааллуқлидир. Мансабдор шахсларнинг Низомда зикр этилмаган мажбуриятлари тегишли қоидалар, қўлланма ва дастуриламалар билан белгиланади.

Низомнинг татбиқи чегара қўшинларининг ва миллий хавфсизлик хизмати қўшинларининг, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг, Ўзбекистон Республикаси бошқа тегишли вазирликлари ва идораларининг ҳарбий хизматчиларига ҳам жорий этилади.

Уруш давридаги дала шароитларида ва тинчлик давридаги ҳарбий хизматчиларни жангдаги амалларга ўргатиш бўйича ўқувларда ва машғулотларда ички хизмат жанговар низомлар, жанговар ҳаракатларни таъминлаш бўйича қўлланмалар, шунингдек мазкур Низом билан белгиланади.

¹ Бундан буён «ҳарбий қисм» деб юритилади.

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД

Мен (фамилияси, исми, отасининг исми), Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан.

Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқнинг нафратига мубтало бўлай.

* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июль қарори билан тасдиқланган.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши ва фаолияти ички хизмат талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Ички хизмат ҳарбий қисмда унинг доимий жанговар шайлигини, шахсий таркиб таълимини, у томонидан кундалик фаолиятнинг бошқа вазифаларини уюшган ҳолда бажаришни ва ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини сақлашни таъминловчи ички тартиб ва ҳарбий интизомни сақлаб туриш учун мўлжаллангандир. У мазкур Низомнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунларига оғишмай риоя қилган ҳолда ташкил этилади.

2. Ички хизмат ҳарбий хизматчилардан уларнинг хоҳиш-истагига бўйсунмаган ҳолда уюшган ҳаракатларни талаб этади.

Ички хизмат талабларининг бажарилиши ҳарбий хизматчиларда масъуллик, мустақиллик, саранжомлик ва ҳалоллик туйғусини ривожлантиради. Ўзаро бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва бир-бирига ёрдам беришга тайёрлик жанговар ўртоқлик мустаҳкамланишига ва аскарий жамоаларнинг жипс-лашувига олиб келади, нафақат кундалик фаолиятда топшириқларни бажаришга, қолаверса, жанговар вазиятда оғир синовларга бардош беришга имконият яратади.

3. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ички хизмат талабларини билиши ва виждонан бажариши шартдир.

Ҳарбий хизматни ўташнинг бошланишида ҳарбий хизматчи алоҳида диққат-эътиборга муҳтожлик сезади, командирлар (бошлиқлар) томонидан қатъий назорат ва уларнинг шахсий ибрати ҳарбий хизматчиларга ички хизмат талабларини тезроқ англаб олишда ёрдам беради.

4. Ҳарбий қисмдаги ички хизматга раҳбарлик ҳарбий қисм командирлари томонидан, бўлинма қароргоҳида эса бўлинма командирлари томонидан амалга оширилади. Битта иншоотда, командирлари умумий бевосита бошлиққа эга бўлмаган бир қанча бўлинмалар жойлашганда, ҳарбий қисм командирининг буйруғи билан ички хизматга раҳбарлик қилиш ана шу бўлинмалардан бири командирининг зиммасига юклатилади. Ҳарбий

қисмдаги ички хизматнинг бевосита ташкилотчиси штаб бошлиғи, рота қароргоҳида эса рота старшинаси саналади.

Бўйсунувчи қўшинларда ички хизматнинг аҳволи учун жавобгарлик барча бевосита бошлиқларнинг зиммасига юкланади. Улар бўйсунувчи ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларга ички хизмат талабларининг бажарилишини ташкил этишда ва таъминлашда ёрдам беришга ва унинг ҳолатини доимий равишда текширишга мажбурдирлар.

Биринчи қисм

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА УЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

1 - б о б

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

Умумий қоидалар

5. Ўзбекистон Республикасини қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш мамлакат фуқароларининг конституциявий мажбурияти саналади.

Ҳарбий хизмат — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятларни ва шартнома асосида Қуролли Кучларда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳарбий тузилмаларида хизматни бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳар бир ҳарбий хизматчига тегишли ҳарбий унвон берилди, у ўз навбатида кўшинга ва кемага оид бўлади (4-илова).

6. Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқлар ва эркинликлардан ҳарбий хизмат шарт-шароитлари белгилайдиган чекловлар билан ва амалдаги қонунларни ҳисобга олиш билан фойдаланадилар. Уларнинг зиммасига конституциявий, бошқа умумфуқаро мажбуриятлари, шунингдек, умумий мансаб ва махсус мажбуриятлар юкланади.

7. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигининг мундарижаси ва ҳажми улар ҳарбий хизмат мажбуриятларини (хизмат мажбуриятларини) ижро этаётганлигига ёхуд этмаётганлигига боғлиқ бўлади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиши дейилганда: жанговар ҳаракатларда иштирок этиш, хизмат мажбуриятларини ижро этиш, жанговар навбатчиликни (жанговар хизматни) ўташ; кун тартиби билан белгиланган хизмат вақти давомида ёхуд бу хизмат заруратидан келиб чиққан бўлса, ҳарбий қисм ҳудудида бўлиш; хизмат сафарида ёхуд даволанишда бўлиш; хизмат жойига, даволанишга ёхуд аксинча қараб йўл босиш; ҳарбий йиғинларда иштирок этиш; асирга

тушиш (ўз ихтиёри билан асир тушишдан ташқари), гаровга олинган ёхуд ҳайдаб кетилган аҳволида бўлиш; бедарак кетиш — ҳарбий хизматчи дараксиз йўқолган деб тан олинганига ёхуд амалдаги қонунларга мувофиқ вафот этган деб эълон қилингунига қадар; шахс ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш; ҳарбий хизматчиларнинг суд томонидан жамият ва давлат манфаатлари йўлида содир этилган деб тан олинган бошқа хатти-ҳаракатлари тушунилади.

Ўзини кўнгилли равишда гиёҳванддан ёхуд сархуш этувчи ашёлардан маст ҳолатига келтирган; жиноятчиликка оид қонунларда кўзда тутилган жамият учун хавfli жиноятларни содир этган; ўз-ўзини ўлдирган ёхуд ўз-ўзини ўлдиришга уриниб кўрган — агар кўрсатилган хатти-ҳаракатлар касаллик ҳолати ёхуд ўлдиришга мажбурлаш тўғрисида содир этилган бўлмаса; қисм қароргоҳидан ташқарида дам олишда, жавоб беришда ёхуд таътилда юрганда, шунингдек, ўзбошимча қисм қароргоҳидан ташқарида ёхуд ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарида белгиланган хизмат жойларидан ташқарида юрган; асирда, гаровга олинган ёхуд ҳайдаб кетилган ҳолатида бўлган ҳолларда, суд томонидан жамият ва давлат манфаатлари йўлида содир этилган хатти-ҳаракатларни истисно қилганда, ҳарбий хизматчи ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этаётган деб тан олинмайди.

Зарур бўлиб қолган пайтларда ҳарбий хизматчи командирнинг (бошлиқнинг) буйруғига кўра исталган вақтда ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишга киришиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш пайтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ва давлат муҳофазасида турган деб саналади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари

8. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва улардан ҳарбий хизматнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Бирор киши ҳарбий хизматчиларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқларда чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

9. Ҳарбий хизматчиларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши жамиятнинг, давлатнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, ҳарбий хизматга, бошқа ҳарбий хизматчилар ва турли фуқароларнинг ҳуқуқларига путур етказмаслиги лозим.

10. Давлат ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлайди, уларга етарли ва муносиб тур-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/2531> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2531> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2531>